



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 18 » iyun

№ 381

Toshkent sh.

Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш учун уруғчилик хўжаликларини танлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 2 февралдаги ПҚ-4973-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, республикада шоли етиштириш, сақлаш, қайта ишлашнинг узлуксиз ва самарали тизимини такомиллаштириш, уруғлик шоли етиштириш соҳасини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш учун уруғчилик хўжаликларини танлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш хуқуқига эга бўлиш учун талабгорлардан хужжатларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш;

уруглик шоли етиштирувчи талабгорлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби ва муддатлари, шу жумладан, суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш хуқуқини олиш учун тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиши ҳамда унинг якунлари бўйича қарор қабул қилиш;

суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш хуқуқига эга бўлган субъектларнинг хужжатларини юритиш;

уруглик шоли етиштирувчиларнинг вазифалари, шунингдек, ушбу талаблар уруғлик шоли етиштириш хуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан бажарилмаслиги оқибатлари.

2. Белгилансанки:

суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш учун танлов фермер хўжаликлари, шоличнолик кластерлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари (кейинги ўринларда – уруғлик шоли етиштирувчи ташкилотлар) ўртасида ўтказилади;

уруглик шоли майдонлари ҳамда экиладиган навлари ва етиштириладиган уруғлик шоли ҳажмлари уруғлик етиштирувчилар таклифларидан келиб чиқиб туман (Кувасой шаҳар) ҳокимликлари, Қорақалпогистон Республикаси Қишлоқ

хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг буортманомасига асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланади;

суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етишириш хуқуқига эга бўлиш учун уруғлик шоли етиширувчилар ўртасида танлов туман (Кувасой шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринbosари бошчилигида соҳага тегишли бўлган давлат органлари ва ташкилотлари вакилларидан иборат таркибда тузилган туман (Кувасой шаҳар) ишчи гурухи томонидан ўтказилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг таклифларини инобатга олган ҳолда туман (Кувасой шаҳар) ишчи гурухи танлов ўтказиш вақтини ҳамда жойни маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёки туман (Кувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимининг расмий веб сайтида эълон қиласди.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда уруғлик шоли етиширувчи фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ўртасида танлов ўтказишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Ш.М. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “18” июндаги 381-сон қарорига
илова

**Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб
уруғлик шоли етиштириш учун уруғчилик хўжаликларини
танлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли (кейинги ўринларда – уруғлик шоли) етиштириш учун уруғчилик хўжаликларини танлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

суперэлита уруғлик – нав муаллифи ёки у томонидан ваколат берилган шахс томонидан етиштирилган ва кейинчалик кўпайтириш учун мўлжалланган уруғликлар;

элита уруғлик – суперэлита уруғликларни изчил кўпайтириш йўли билан олинган уруғликлар;

кейинги авлод уруғлик – элита уруғликлардан олинадиган кейинги авлод уруғликлар киради.

3. Уруғлик шоли етиштириш учун танлов фермер хўжаликлари, шоличилик кластерлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари (кейинги ўринларда – уруғлик шоли етиштирувчи ташкилотлар) ўртасида ўтказилади.

4. Уруғлик шоли майдонлари, шунингдек, экиладиган навлари ва етиштириладиган уруғлик шоли ҳажмлари уруғлик етиштирувчилар таклифларидан келиб чиқиб туман (Қувасой шаҳар) ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг буюрманомасига асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланади.

5. Уруғлик шоли етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун уруғлик шоли етиштирувчилар ўртасида танлов туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари бошчилигига соҳага тегишли бўлган давлат органлари ва ташкилотлари вакилларидан иборат таркибда тузилган туман ишчи гурӯҳи (кейинги ўринларда – туман ишчи гурӯҳи) томонидан ўтказилади.

6. Туман ишчи гурӯҳи таркиби мазкур Низомга 1-иловада келтирилган намунаға мувоғиқ туман ҳокими томонидан тасдиқланади.

Туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими туман ишчи гурӯҳи фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлайди.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг таклифларини инобатта олган ҳолда туман ишчи гурӯҳи (туман қишлоқ хўжалиги бўлими) танлов ўтказиш вақтини ҳамда танлов ўтказиладиган жойни маҳаллий оммавий ахборот воситаларида, туман қишлоқ хўжалиги бўлими ёки туман ҳокимлигининг расмий веб сайтида эълон қиласди.

8. Уруғлик шоли етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Танловда иштирок этиш учун хужжатларни тақдим этиш

9. Уруғлик шоли етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун танловда иштирок этиш учун хужжатларни тақдим этиш ҳақидаги эълон ҳар йили 20 февралга қадар берилади.

10. Танлов ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кундан бошлаб йигирма иш кунида танловда иштирок этувчилардан хужжатлар қабул қилинади.

11. Уруғлик шоли етиштирувчилар туман ишчи гурӯҳига танловда иштирок этиш учун ариза билан бирга қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

ер майдони тупроқ унумдорлиги тўғрисида туман (Кувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимининг маълумотномаси;

ер майдонининг сув таъминоти тўғрисида туман (Кувасой шаҳар) ирригация бўлимининг маълумотномаси;

уруғлик шоли етиштирувчи ташкилотлар раҳбарининг мутахассислиги ва маълумоти тўғрисидаги хужжат нусхаси ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги умумий иш стажи тўғрисида “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастуридан олинган маълумот;

уруғлик шоли етиштирувчи ташкилотнинг қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланганлик даражаси (*қишлоқ хўжалиги техника воситаларининг техник паспортлари*) тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда – Ўзагроинспекция) туман бўлими маълумотномаси.

12. Хужжатлар туман ишчи гурӯҳига бевосита, почта орқали ёки электрон шаклда туман (Кувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимининг электрон почта манзилига тақдим этилади.

Хужжатлар туман ишчи гурӯҳи котиби томонидан қабул қилинади, бунда топширилган хужжатларнинг бетлари сони рақамланган ва шнурланган маҳсус дафтарга қайд этиб борилади.

Туман ишчи гурӯҳига почта орқали ёки электрон шаклда тақдим этилган хужжатларда камчиликлар аниқланганда туман ишчи гурӯҳи котиби бу тўғрисида уч иш кунидан кечиктирмасдан талабгорнинг тегишли электрон почта манзилига хабар юборади.

13. Танловда иштирок этиш учун хужжатларни қабул қилиш танлов эълон қилинган куннинг йигирманчи куни соат 18.00 дан кейин тўхтатилади. Агар охирги кун дам олиш ва байрам кунига тўғри келса, дам олиш кунидан кейинги биринчи иш куни соат 18.00 да тўхтатилади.

3-боб. Уруғлик шоли етиштирувчи талабгорлар ўртасида танлов ўтказиш

14. Туман ишчи гуруҳи уруғлик шоли етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун уруғлик шоли етиштирувчи ташкилотлар ўртасида хужжатларни қабул қилиш якунланган кундан бошлаб ўн иш кун давомида танлов ўтказади.

Туман ишчи гуруҳи аъзолари умумий сонининг камидаги учдан икки қисми иштирок этганда кворум шаклланади ҳамда танлов ўтказиш учун асос бўлади.

15. Танловда уруғлик шоли етиштирувчи ташкилотларнинг имкониятлари ўрганилади ва ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ рейтинг баллар шкаласига асосан баҳоланади.

16. Туман ишчи гуруҳига тақдим этилган маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаганда ёки маълумотларни соҳталаштириш ҳолатлари аниқланганда уруғлик шоли етиштирувчи ташкилотнинг танловда қатнашиш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилмайди.

17. Танловда уруғлик шоли етиштирувчи ташкилотнинг кўрсаткичлари ва имкониятлари баҳоланади ҳамда тўпланган баллар йифиндиси ҳисоблаб чиқарилади.

18. Танловда иштирок этган уруғлик шоли етиштирувчи ташкилотларнинг экин майдони кўрсатилган ҳолда уларнинг тўплаган бали бўйича энг юқори баллдан бошлаб энг паст баллгача талабгорлар рўйхати шакллантирилади.

Энг юқори балл тўплаган уруғлик шоли етиштирувчи ташкилотлардан бошлаб туманда уруғлик учун экиласидаги шоли майдони қамраб олингунгача бўлган уруғлик шоли етиштирувчи ташкилотлар танлов ғолиби деб топилади.

19. Танлов якуни бўйича мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича икки нусхада баённома тузилади ва туман ишчи гуруҳи аъзолари томонидан имзоланади ҳамда туман (Кувасой шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади.

20. Туман (Кувасой шаҳар) ҳокимлиги туман ишчи гуруҳи баённомасини тасдиқлайди, танлов натижалари бўйича тегишли қарор қабул қиласиди ва танлов ғолибларини уч иш кунида эълон қиласиди.

21. Туман (Кувасой шаҳри) ҳокимининг қарори ва тузилган баённома нусхаси тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигига ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларига, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг (кейинги ўринларда –

Марказ) ҳудудий бошқармаларига ҳамда уруғлик шоли етиштириш ҳуқуқини олган ташкилотларга юборилади.

Уруғлик шоли етиштириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатнинг амал қилиш муддати бир йил этиб белгиланади.

4-боб. Уруғлик шоли етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун танлов ўтказиш бўйича ҳужжатларни юритиш

22. Уруғлик шоли етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш бўйича ҳужжатлар туман ишчи гуруҳи котиби томонидан юритилади.

23. Туман ишчи гуруҳи уруғлик шоли етиштирувчи ташкилотлар томонидан танловда иштирок этиш учун тақдим этилган барча ҳужжатларни алоҳида йиғма жилдларга тикилган ҳолда танлов якунлангандан кейин ўн иш кунидан кечикитирмасдан Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бошқармаларига топширади.

Ҳар бир йиғма жилдда қўйидаги ҳужжатлар тикилади:

туман ишчи гуруҳи таркиби ҳақидаги маълумотнинг тасдиқланган нусхаси, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда танловга ҳужжат қабул қилиш ва танловни ўтказиш муддатлари, танлов ўтказиладиган жойни белгилаш тўғрисидаги ҳужжатлари нусхаси;

туман ишчи гуруҳининг танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонлари нусхаси;

танловда иштирок этувчи талабгорларни рўйхатга олиш учун тикилган ҳамда бетлар сони қўрсатилган маҳсус дафтар;

танловга талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар;

ҳар бир ишчи гуруҳ аъзоси томонидан тўлдирилган танлов варақаси;

танлов якуни бўйича қўйилган баллар ҳисоб-китоби;

ўтказилган танлов якуни бўйича туман ишчи гуруҳининг баённомаси нусхаси, туман (Кувасой шахри) ҳокимининг тегишли қарори нусхаси;

Йиғма жилдга рейтинг балларини бериш учун асос бўлган барча ҳужжатлар тикилиши шарт.

24. Туман ишчи гуруҳининг фаолиятига доир ҳужжатларнинг тўлиқ юритилиши, сақланиши ва белгиланган муддатда Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармаларига саклаш учун топширилишига туман ишчи гуруҳи раҳбари ва котиби шахсан масъул этиб белгиланади.

25. Марказ уруғлик шоли етиштириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар ҳақидаги маълумотларни умумлаштиради ва уларнинг реестрини шакллантиради, ягона электрон базага киритади.

26. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда:

уруглик шоли селекция нави ва авлодлари бўйича алоҳида экилишини, вегитация даврида сугориш, ўғитлаш, бегона ўтлардан тозалаш каби агротехник тадбирларнинг ўтказилиши мониторингини олиб боришни;

уругликка экилган шоли навдорлик сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича дала апробация кўригидан ўтказилишини таъминлайди.

5-боб. Уруғлик шоли етиштирувчиларнинг вазифалари

27. Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштиришнинг қўйидаги тартиб-қоидаларига риоя қилинади:

нав муаллифлари ва нав оригинаторлари томонидан ишлаб чиқилган илмий асосланган тавсиялар асосида агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда сифатли қилиб ўтказишни таъминлаш;

уруглик шоли етиштиришда техника билан ишлов беришга қулай контурларни танлаш, ер унумдорлиги юқори бўлган, сув билан яхши таъминланган далаларга жойлаштириш;

алманиб экиш тизимини жорий этиш;

районлаштирилган, серҳосил, нав тозалиги юқори бўлган шоли навлари юқори авлодларидан уруғлик шоли етиштириш;

уруглик шоли майдонларида нав тозалиги бўйича нав тозалаш ишларини олиб бориш ва дала апробация кўригини ўтказишни ташкил этиш;

уруглик шолини ўриб-йигиб олиш талабларига амал қилиш.

Мазкур талабларга амал қилмаган ташкилотларнинг уруғлик шоли етиштириш хукуқи бекор қилинади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

28. Шоличноликка ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот ташкилоти, уларнинг филиаллари ҳамда илмий-тажриба станциялари шолининг янги, истиқболли ва республика худудида экишга тавсия этилган (районлаштирилган) навларининг бирламчи уруғларини танловда иштирок этмасдан етиштириш хукуқига эга.

29. Танлов иштирокчилари танлов натижаларидан норози бўлган ҳолларда белгиланган тартибда судга ёки юқори турувчи органларга мурожаат қилишга ҳақли.

30. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилиқда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга
мансуб уруғлик шоли етиштириш учун
урұғчилик хұжаликларини танлаш тартиби
тұғрисидаги низомга
1-илова

**Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш
хуқуқига әга бўлиш учун танлов ўтказиш бўйича туман ишчи
гурухининг намунавий
ТАРКИБИ**

- Лавозими бўйича — туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари
бўйича ўринбосари, *иичи гурӯҳ раҳбари*
- Лавозими бўйича — туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи, *иичи гурӯҳ
раҳбарининг ўринбосари*
- Лавозими бўйича — туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси
- Лавозими бўйича — туман статистика бўлими бошлиғи
- Лавозими бўйича — туман ирригация бўлими бошлиғи
- Лавозими бўйича — вилоят уруғчиликни ривожлантириш маркази
мутахассиси
- Лавозими бўйича — туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлигининг
ўринбосари, *иичи гурӯҳ котиби*

Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш учун уруғчилик хўжаликларини танлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Суперэлита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Туман ишчи гурухи (Туман қишлоқ хўжалиги бўлими)	Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида маҳаллий оммавий ахборот воситаларида, туман қишлоқ хўжалиги бўлими ёки туман ҳокимлигининг расмий веб сайтида эълон қиласди.	Уруғлик шоли етиштириш учун ҳар йили 20 февралга қадар
2-босқич	Талабгор (Уруғлик шоли етиштириши истагида бўлган фермер хўжаликлари, шоличилик кластерлари ва бошқа ташкилотлар)	Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш бўйича туман қишлоқ хўжалиги бўлимига (туман ишчи гурухига) ариза ва унга илова қилинадиган хужжатларни топшириш.	Танлов эълон қилинган кундан бошлаб 20 иш кунида
3-босқич	Туман ишчи гурухи (Туман қишлоқ хўжалиги бўлими)	Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштирувчи субъектлар ўртасида танлов ўтказиш.	Хужжат қабул қилиш якунлангандан кейин 10 иш кунида
4-босқич	Туман ишчи гурухи (Туман қишлоқ хўжалиги бўлими)	Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш бўйича ўтказилган танловнинг якуний натижалари бўйича комиссия хулосасини туман ҳокимлигига тақдим этиш.	Танлов ўтказилгандан сўнг 5 иш кунда
5-босқич	Туман ҳокимлиги	Уруғлик шоли етиштириш бўйича ўтказилган танловнинг якуний натижалари бўйича тақдим этилган туман ишчи гурухининг хулосаси асосида туман ҳокимининг тегишли карорини қабул қилиш ва танлов ғолибларини эълон қилиш.	Хужжатлар тақдим этилгандан кейин 3 иш кунида

6-боскич	Туман ишчи гурухи (Туман қишлоқ хўжалиги бўлими)	Танлов якунлари бўйича қабул қилинган туман ҳокимининг қарори нусхасини, туман ишчи гурухининг баённомасини вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаларига ва уруғчиликни ривожлантириш марказига тақдим этиш.	Танлов якуни эълон қилингандан кейин 5 иш кунида
7-боскич	Вилоят уруғчиликни ривожлантириш марказининг худудий бошқармалари	Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли этиштириш бўйича ўтказилган танлов якунлари бўйича тақдим этилган маълумотларни умумлаштириш, реестрини шакллантириш ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ахборат тақдим этиш.	Хужжатлар тақдим этилгандан сўнг 10 кун муддатда

Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга
мансуб уруғлик шоли етиштириш учун
урұғчилик хұжаликларини танлаш тартиби
тұғрисидаги низомга
3-илова

**Уруғлик шоли етиштириш ҳуқуқыга зәг бўлиш учун танлов ўтказиша
фермер хұжаликлари ва бошқа қишлоқ хұжалиги ташкилотларининг
имкониятларини баҳолайдиган
РЕЙТИНГ БАЛЛАРИ**

T/р	Баҳоланадиган имкониятлар (холатлар)	Рейтинг күрсаткичлари	Рейтинг баллар	Асослаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар
1.	Тупроқ унумдорлиги (бонитет балл)	60 балл ва ундан юқори	10 балл	Туман қишлоқ хұжалиги бўлими маълумотномаси
		50 баллдан 60 баллгача	8 балл	
		40 балдан 50 баллгача	4 балл	
2.	Сув билан таъминланиш даражаси	Яхши	10 балл	Туман ирригация бўлими маълумотномаси
		Ўртacha	5 балл	
		Ёмон	1 балл	
3.	Талабгорниң мутахассислиги ва маълумоти	Олий маълумотли агроном	10 балл	Маълумоти тұғрисидаги ҳужжат
		Бошқа олий маълумотли мутахассис	8 балл	
		Ўрта маҳсус	5 балл	
		Ўрта	2 балл	
4.	Талабгорниң қишлоқ хұжалиги соҳасидаги иш стажи	15 йил ва ундан юқори	10 балл	Меҳнат дафтарчаси
		10 йилдан 15 йилгача	8 балл	
		5 йилдан 10 йилгача	6 балл	
		3 йилдан 5 йилгача	4 балл	
		1 йилдан 3 йилгача	2 балл	
5.	Талабгорниң қишлоқ хұжалиги техникалари билан таъминланғанлиги	Лазер ер такислагич ускунаси	8 балл	Агросаноат мажмуйи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими маълумотномаси
		Шоли ўриш комбайни	7 балл	
		Хайдов трактори	6 балл	
		Шоли экиш сеялкаси	5 балл	
		Ер текислагич – грейдер, чизел (мола, борона комплектда)	4 балл	
6.	Сўнгти 3 йилдаги шоли ҳосилдорлигининг ўртacha күрсаткичи	70 центнер ва ундан юқори	10 балл	Туман қишлоқ хұжалиги бўлими маълумотномаси
		50 центнердан 70 центнергача	5 балл	
		49 центнер ва ундан кам	2 балл	

Изоҳ. Фермер хұжалиги ёки бошқа қишлоқ хұжалиги субъектининг имкониятларини баҳолашда ҳар бир йўналиши учун энг юқори балл 10 баллдан ошмаган ҳолда белгиланади.



Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга
мансуб уруғлик шоли етиштириш учун
уругчилик хўжаликларини танлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

вилояти туманида суперэлита, элита ва кейинги
авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш учун ургчилик хўжаликларини
танлаш бўйича ишчи гурухнинг -сонли
йигилиши баёни

вилояти тумани 20__ йил “__”

Раислик қилди:

Катнашдилар:

Кун тартиби

уругчилик хўжаликлари ўртасида ўтказилган танлов якунлари тўғрисида.
Кун тартибидаги масала юзасидан ишчи гуруҳ раиси _____

ахбороти эшигилди.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

уругчилик хўжаликлари ўртасида ўтказилган танлов якунлари
қўйидагича тасдиқлансан.

Т/р	Танлов ғолибининг номи	Майдони, гектар	Тўплаган балл
1.			
2.			
3.			

Ишчи гуруҳ раиси _____ *(Ф.И.О)* _____ *(имзо)*

Ишчи гуруҳ аъзолари: _____ *(Ф.И.О)* _____ *(имзо)*

_____ *(Ф.И.О)* _____ *(имзо)*

_____ *(Ф.И.О)* _____ *(имзо)*

Ишчи гуруҳ котиби: _____ *(Ф.И.О)* _____ *(имзо)*